

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Эркабаев Фурқат Ильясович

**Cr(VI) тутган саноат чиқиндиларини қайта
ишлаш технологиясини яратиш**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Эркабаев Фуркат Ильясович

Cr(VI) тутган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини
 яратиш..... 3

Эркабаев Фуркат Ильясович

Разработка технологии переработки Cr(VI)-содержащих промышленных
 отходов..... 33

Erkabaev Furkat Ilyasovich

The development of technology for processing of Cr (VI) - containing
 industrial waste 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works..... 58

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭРКАБАЕВ ФУРКАТ ИЛЪЯСОВИЧ

**Cr(VI) ТУТГАН САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 31.03.2016/В2016.1.Т591 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида «ZIYONET» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахмедов Улуғ Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Гуро Виталий Павлович
кимё фанлари доктори

Сайфутдинов Рамзиддин Сайфутдинович
техника фанлари доктори, профессор

Шамшидинов Исроил Турсунович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг “_____” _____ 2018 йил соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўч., 77а. Тел: (99871) 262-56-60, факс (99871) 262-79-90, E-mail: ionxanruz@mail.ru).

Докторлик диссертацияси ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўч., 77а. Тел: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда кимёвий реагентлар асосан табиий, техник, саноат оқава сувлари ва юқори концентрацияли чиқинди эритмаларни турли табиатга эга бўлган қўшимчалардан тозалашда, шунингдек турли металллар бирикмаларини ажратиб олишда кенг қўлланилади. Саноат оқава сувлари ва чиқинди эритмаларини тозалашда, улардан қора ва рангли металллар ионларини ажратиб олишда замонавий кимёвий реагентлар ва усулларни қўллаш, юқори иқтисодий ва экологик самарадорликка олиб келади.

Бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий вазифалардан бири чиқиндисиз технологиялар яратиш, саноат оқава сувларини тозалаш, қаттиқ чиқиндиларни, технологик эритмаларни қайта ишлаш ва улардан турли металллар ва бошқа фойдали бирикмаларни ажратиб олиш ҳисобланади. Замонавий корхоналарда қаттиқ чиқинди ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида чиқиндиларни қайта ишлашда корхоналарда ёнаки маҳсулот сифатида чиқадиған олтингугурт (VI) оксиди, гидразин каби газлардан фойдаланилади.

Республикаимизда саноат оқава сувлари ва чиқинди эритмаларни тозалашда маҳаллий хом ашёлар асосида турли хилдаги кимёвий реагентларни яратиш ва уларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш борасида маълум назарий ва амалий натижаларга эришилди. Бу борада оқава сувлар ва чиқинди эритмаларни зарарсизлантириш, улар таркибидаги металл бирикмаларни ажратиб олиш бўйича олиб борилаётган ишларни аълоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «саноатнинг юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий хом-ашёлар асосида олинган, экологик ҳавфсиз реагентлардан фойдаланиб, саноат оқава сувларини тозалаш ва технологик эритмаларни қайта ишлаб, турли металллар ионларини ажратиб олиш муҳим аҳамият касб этиб, экологик нуқтаи назардан ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сон «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари, шунингдек 2015 йил 29 майдаги ПҚ-14 сонли «2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш

дастури тўғрисидаги» Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹

Саноат оқава сувлари ва чиқинди эритмаларни тозалаш учун турли қайтарувчилар яратиш ва уларни қўллашнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: National Research Council (АҚШ), Environment Canada's National Water Research Institute (Канада), Institute for Global Environment Strategies (Япония), Nanyang Technological University (Сингапур), Safe Drinking Water Committee, Belhim (Белорусия), Technical Adviser (Chemical) Government of Gujarat Industries commissioner (Ҳиндистон), VVP Engineering College (Ҳиндистон), United States Environment Protection Agency, Institute of Chemical Engineering, Bulgarian Academy of Science (Bulgaria), НИЦПИУ (Россия), ИКХХВ (Украина) ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институтида олиб борилмоқда.

Саноат оқава сувлари ва чиқинди эритмаларини ноорганик моддалар, шунингдек оғир металллардан тозалашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: оқава сувлар ва чиқинди эритмалардан симоб, кадмий, мишьяк, хром, мис, рух каби металл катионларини ажратиб олиш технологияси яратилган (National Research Council, АҚШ, Safe Drinking Water Committee, Belhim (Белорусия), фаол сорбцион хусусиятга эга адсорбентлар лигнин, бентонит ва цеолитлар ёрдамида саноат оқава сувларини адсорбция усулда тозалашнинг илмий асослари яратилган (Technical Adviser (Chemical,) Government of Gujarat Industries commissione, Ҳиндистон), термик ва кислотали қайта ишлов берилган фаолланган кўмрдан фойдаланиб, саноат оқава сувларини органик ва ноорганик қўшимчалардан тозалаш усуллари яратилган (VVP Engineering College, Ҳиндистон), саноат оқава сувлари ва чиқинди эритмаларидан кадмий, хром, никель, мис ва рухдан тозалаш усуллари ишлаб чиқилган (Томск политехника университетининг илмий изланишлар миллий маркази, Россия).

Дунёда саноат оқава сувларини тозалаш ва чиқинди эритмаларни қайта ишлаш учун турли усулларда нейтраллаш, оғир металл ионларини

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.iges.or.jp/en>; <http://www.ntu.edu.sg>; www.newswise.com; <https://en.wikipedia.org>; www.mass.gov; <https://ic.gujarat.gov.in>; www.ionx.uz ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

зарарсизлантириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: алюминий, темир, шунингдек уларнинг бирикмалари асосида янги қайтарувчи реагентлар, тозалаш ва керакли компонентларни ажратиб олишнинг янги усуллари яратиш, турли металл ионларига тўйинган саноат оқава сувлари ва чиқинди эритмаларини турли рН муҳитларида тозалай оладиган композицион реагент-қайтарувчилар яратиш, оқава сув ва чиқинди эритмаларни қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, янги, самарали, экологик ҳавфсиз қайтарувчи реагентлар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига доир илмий-техникавий адабиётларда ўрганилаётган объектнинг дисперс тизимларда коллоид-кимёвий жараёнлар (хоссалар)ни ўрганиш ва тартибга солиш, уларни яратиш масалалари муҳокама қилинади. Ўзбекистонда коллоид кимё соҳасида академик К.С. Ахмедов бошчилигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С. Хамраев, С.Н. Аминов, А.А. Агзамходжаев, У.К. Ахмедов, Г.У. Рахматқариев, Ишанходжаев С., В.П. Гуро, С.З. Мўминов, Г.Р. Нарметова, И.К. Сатаев, О.К. Бейсенбаев, З.Тожиҳўжаев ва бошқалар унинг ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшганлар. Шунингдек керакки, ҳозирги пайтгача электрокимё, металлургия ва шу каби бошқа ишлаб чиқариш корхоналари оқава сувлари, технологик эритмалари таркибидан турли металл бирикмаларини ажратиб олиш учун маҳаллий хом-ашёлар асосида экологик ҳавфсиз қайтарувчи реагентлар топиш борасида етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А13-Т159 «Техноген чиқитлар ва технологик эритмалардан рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш технологияси» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экологик ҳавфсиз, ноанъанавий органик қайтарувчи-ёғоч қипиғи ёрдамида Cr(VI) тутган саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олти валентли хром ионларини қайтаришга яроқли хом ашё материалларнинг таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

қайтарилиш жараёни оптимал шароитлари ва компонентлар нисбатларини аниқлаш;

олти валентли хром ионларини органик қайтарувчи-ёғоч қипиғи ёрдамида хром (III) гача қайтарилиш механизмининг тадқиқ қилиш;

технологик чиқинди эритмаларни қўшимчалардан тозалаш усуллари яратиш;

чиқинди хромат эритмалардан хром (III) оксидини ажратиб олиш ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида қўллаш;

ёғоч қипиғини қайтарувчи реагент сифатида ўта заҳарли чиқинди хромат эритмаларини қайта ишлаш жараёнида қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти гальваник ишлаб чиқариш корхоналари юқори концентрацияли чиқинди хромат эритмалари, оқава сувлари, модел технологик эритмалар ва ёғочни қайта ишлаш корхоналари чиқиндиси–ёғоч қипиқлари.

Тадқиқотнинг предмети олти валентли хром ионларининг қайтарилиш жараёнлари, қайтарилиш ва металл оксидларини ажратиб олиш жараёни қонуниятлари, шунингдек олинган маҳсулотни саноатнинг турли тармоқларида қўллаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-кимёвий (ИК-спектроскопия, рентген фазовий, аналитик ва бошқа) тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чиқинди хромат эритмаларда Cr(VI) ионларининг Cr(III) гача целлюлоза ёрдамида қайтарилиши кучли кислотали муҳитда ёғоч таркибидаги целлюлозанинг кимёвий модификацияланиши натижасида очиқ занжирли макромолекулалари ҳосил бўлиши ҳисобига бориши аниқланган.

кучли кислотали шароитда целлюлоза структурасида кам учрайдиган альдегид гуруҳлари сонининг кўпайиши натижасида унинг қайтариш хусусияти янада кучайиши исботланган.

қайтарилиш жараёнида маҳсулотнинг (Cr_2O_3) чиқими жараёнда қатнашадиган хром (VI) ионлари, қайтарувчи ва сульфат кислотанинг нисбатларига боғлиқ бўлиб, у 1:1:1,6 эканлиги аниқланган;

қайтарилиш жараёни самарадорлигининг муҳит рН, харорати, реакцияда қатнашадиган хром (VI) ионлари, қайтарувчи ва сульфат кислотанинг миқдорлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрнатилган.

қайта ишланадиган чиқинди хромат эритмаларни кальций сульфат ва темир (III) гидроксидлардан тозалаш жараёнининг оптимал шароитлари аниқланган;

ўта заҳарли чиқинди хромат эритмаларини қайта ишлаб, металл оксидларини ажратиб олишнинг чиқиндисиз технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чиқинди хромат эритмалардаги ўта заҳарли хром(VI) ионларини қайтариш учун арзон, осон топиладиган, экологик хавфсиз органик қайтарувчи-ёғоч қипиғини қўллаш технологияси ишлаб чиқилди;

чиқинди эритмаларни комплекс қайта ишлаш технологияси яратилган ва технологик регламент ишлаб чиқилган;

хром (VI) ионларини хром (III) гача қайтаришнинг оптимал шароитлари ўрнатилган, хром (III) оксиди ажратиб олиш ва керамик плиткалар учун рангли глазулар тайёрлаш технологияси яратилган;

олинган хром (III) оксиди асосида абразив материал-паста ГОИ тайёрлаш усули ишлаб чиқилган;

яратилган технология бўйича дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобларга кўра, 1 м³ чиқинди эритмани қайта ишлаш натижасида 834 200 сўмлик фойда олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат синовидан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чиқинди технологик эритмаларни қайта ишлашда, хусусан олти валентли хром ионларини зарарсизлантириш жараёнининг самарали бориши компонентлар таркиби, нисбатлари ва чиқинди эритманинг бошланғич концентрациясига узвий боғлиқлиги изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, чиқинди хромат эритмаларни қайта ишлашда ёғоч кипиғини органик қайтарувчи сифатида четдан келтириладиган натрий сульфит, натрий бисульфит, темир(II) сульфат каби реактив қайтарувчиларга рақобатчи реагент сифатида қўллаб, чиқиндига ташланадиган шлам ўрнига товар маҳсулотлари олиш технологияси яратилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўта заҳарли чиқинди хромат эритмаларни қайта ишлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган ўта заҳарли хром Cr(VI) тутган саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш технологияси «METFURSERVIS» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 11 январдаги 03-03/2-36-сон маълумотномаси). Натижада ўта заҳарли чиқинди хромат эритмалар тўлиқ қайта ишланиб, товар маҳсулотлари олиш имконини берган.

олинган хром (III) оксиди асосида абразив материал тайёрланган ва фурнитура ҳамда металлларни қайта ишлайдиган «NISHON-N» МЧЖ корхонасида фурнитура буюмларини сайқаллашда амалиётга жорий қилинган («ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АЖ 2017 йил 28 декабрдаги ББ-01/03/5142-сон маълумотномаси). Натижада абразив материалларни маҳаллий хом-ашёлардан тайёрлаш ва валюта заҳираларини тежаш имконини берган.

олинган хром пигментини «ART GLOSS GALLERY» МЧЖ қўшма корхонасида керамик плиткалар учун рангли глазулар тайёрлашда

амалиётга жорий қилинган («ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АЖ 2017 йил 28 декабрдаги ББ-01/03/5142-сон маълумотномаси). Натижада рангли глазурилар тайёрлаш таннархи 20 % га арзонлаштиришга имконият яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 8 та, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига (№ІАР 20160288) патент учун ариза билан мурожаат қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 189 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Чиқинди эритмалар ва оқава сувларни зарарсизлантиришнинг ҳозирги пайтдаги ҳолати таҳлили ва қайта ишлаш усуллари»** деб номланган биринчи бобида чиқинди эритмалар ва оқава сувларни зарарсизлантиришнинг ҳозирги пайтдаги ҳолати таҳлили ва уларни қайта ишлаш усуллари; мавжуд реагент-қайтарувчиларнинг физик-кимёвий хоссалари; олти валентли хром ионларни қайтаришда борадиган жараёнлар ҳақида сўз юритилган. Ушбу муаммо бўйича нашр қилинган кўплаб ишлар таҳлил қилиб чиқилди. Юқори концентрацияли саноат чиқинди эритмаларини қайта ишлаш бўйича кўриб чиқилган илмий ишларга танқидий ёндашиш асосида ушбу диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Чиқинди хромат эритмаларда хром (VI) ионларининг қайтарилиш жараёни тадқиқи ва жараённинг оптимал шароитларини аниқлаш»** деб номланган иккинчи бобида турли параметрларнинг хром (VI) ионлари қайтарилиш жараёнига таъсири ва жараённинг оптимал шароитларини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган.

Маълумки, олти валентли хром ионларини қайтаришнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, улар иккита катта: кимёвий ва электрокимёвий гуруҳларга бўлинади.

Олти валентли хром ионларини электрокимёвий усулда қайтаришда ток бўйича чиқим жуда кичик (16%). Чиқинди эритмалардаги олти валентли хром ионларини электрокимёвий усулда қайтариш жараёнининг оптимал параметрларини аниқлаш учун куйидаги шароитларда изланишлар олиб борилди: электролит ҳажми 200 мл, олти валентли хром ионлари концентрацияси 50 г/л, ҳарорат 50-60°C, катод-графит, вақт 1,5 соат.

Хром (VI) ва хром (III) ионларининг электролиздан олдинги ва кейинги концентрациялари фотоколориметрик усулда КФК-2 фотоколориметрида аниқланди. Олти валентли хром ионларини электрокимёвий усулда қайтаришнинг оптимал шароитларини аниқлаш учун катодда турли ток зичликларида ва эритманинг турли муҳитларида тажрибалар олиб борилди.

Чиқинди хромат эритмаларидан хром (VI) ионларини электрокимёвий қайтарилиш жараёнининг вақтга боғлиқлигини ўрганиш тажриба натижалари шуни кўрсатдики, 1,5 соат давомида уларнинг қолдиқ концентрацияси 41-43 г/л ни ташкил этиб, хром (III) ионларининг концентрацияси мос равишда 8-9 г/л га ошган.

Маълумки, глицерин кўпгина металл билан маълум шароитларда комплекс бирикмалар ҳосил қилади, металлларнинг комплекс бирикмалардан электрокимёвий қайтарилиши уларнинг ноорганик бирикмаларига қараганда енгилроқ кетади, шунинг учун жараёнда глицериннинг иштироки олти валентли хром ионлари қайтарилиш даражасининг кўтарилишига хизмат қилиши мумкин.

Ўтказилган изланишлар натижалари шуни кўрсатдики, хром ионларини электрокимёвий усулда қайтаришда электролитга 2 % гача глицерин қўшилганда олти валентли хром ионларининг қайтарилиши маълум даражада (бизнинг шароитда 7,1 % га) ошганлигини кўрсатди. Лекин бу чиқинди хромат эритмаларни тўлиқ қайта ишлаш учун етарли эмас. Шунинг учун чиқинди эритмаларни қайта ишлаш учун кимёвий усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда кўпгина корхоналарда қўлланилаётган оқава сувлар ва чиқинди эритмаларни тозалаш учун қўлланилаётган технологиялар қуйидаги камчиликларга эга:

- кўпбосқичли;
- қимматбаҳо реагентларнинг қўлланилиши (NaOH , KOH , Na_2CO_3 , FeSO_4);
- охак сутини қўллаш, жараённинг арзонлаштириши билан бирга, ускуналар қувурларининг тиқилиб қолишига, уларни тез-тез тозалашга олиб келади, бу эса технологик жихатдан кўп ҳолларда тўғри келмайди;
- охак сути қўлланилганда, таркибидан керакли компонентларни ажратиб олиш қийин бўлган шламлар ҳосил бўлади.

Ҳозирги замонда оқава сувларни хром ионларидан тозалаш учун тескари осмос, нанофилтрлаш ва б.қ. каби қиммат усуллар қўлланилади. Лекин

кўпчилик хўжалик субъектларининг иқтисодий аҳволи ушбу экологик самарадор, қиммат усулларни қўллашни чеклаб қўяди.

Реагент усулида гальваника ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари оқава сувлари ва чиқинди эритмаларини тозалаш нисбатан кенг тарқалган ҳисобланади.

Корхоналарда хром (VI) ионларини тозалаш, уларни кислотали муҳитда хром (III) гача натрий ва калийнинг тиосульфатлари, пиросульфитлар бисульфитлари, ҳамда FeSO_4 каби кимёвий реагентлар ёрдамида қайтариш орқали амалга оширилади.

Хром (III) ионларини кам эрийдиган хром гидроксиди ҳолида ажратиб олиш учун оқава сувлар турли реагентлар (NaOH , KOH , Na_2CO_3 , охак сути ва б.к.) билан қайта ишланади. Нейтраллаш жараёнида ҳосил бўладиган кам эрувчан $\text{Cr}(\text{OH})_3$ чўкмаси мавжуд усулларда ажратиб олинади.


Ҳозирги кунда оқава сувларни тозалаш учун бошқа ишлаб чиқаришнинг чиқиндилари, хусусан оқава сувларидан фойдаланиш катта қизиқиш уйғотмоқда.

Биз томондан ювишдан чиқадиган ишқорий оқава сувларни (ТашОПМЗ МЧЖ нинг ювишдан чиқадиган ишқорий оқава сувлари) таркибида хром (VI) ионлари бўлган модель эритмаларни тозалаш учун реагентлардан биттаси сифатида қўллаш устида изланишлар олиб борилди. Текшириш объекти сифатида таркибида 50 г/л хром (VI) ионлари бўлган хромли модель эритмадан фойдаланилган. Модель эритма қуйидаги тавсифга эга: $\text{pH}=3,5$, ёруғлик ўтказувчанлиги—45 %, ранги қизғиш-жигарранг шаффоф. Нейтралловчи копонент сифатида ТашОПМЗ корхонасида сунъий материал (синтепон) ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган қуйидаги тавсифга эга бўлган ишқорли оқава сув (ИОС) қўлланилган: $\text{pH}=11,5$, кислороднинг кимёвий сарфи — 3000 $\text{mgO}_2/\text{л}$, ёруғлик ўтказиши—32 %, зичлиги — 1,08 г/см^3 , ранги — оқ-кулранг лойқа. Юқоридаги оқава сувни танлаб олишимиздан мақсад, унинг таркибида ишқорий реагентлар бўлиб, у Cr^{3+} ионларини гидроксид ҳолда чўкишини тезлаштириши мумкин. Тажрибанинг мазмуни қуйидагилардан иборат: таркибида 50 г/л Cr^{6+} ионлари бўлган тайёрлаб олинган 1 л модель эритмага 25 г қайтарувчи қўшилди, қайтарувчи сифатида натрий гидросульфит (NaHSO_3) натрий пиросульфит ($\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_5$) натрий тиосульфатдан ($\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$) лардан фойдаланилди.

Cr^{6+} ионларининг Cr^{3+} гача кучли кислотали шароитда боришини эътиборга олган ҳолда, модель эритмага муҳит $\text{pH}=2-2,5$ бўлгунга қадар концентрланган сульфат кислота ($\rho=1,84 \text{ г/см}^3$) қўшамиз. Хромли сувларни тозалаш жараёнига ишқорий оқава сувларнинг таъсирини ўрганиш учун улчов цилиндрига 100 мл тайёрланган, таркибида қайтарувчи бўлган 50 г/л хромли модель эритмани қуямиз ва унга турли пропорцияларда ўлчанган ишқорий оқава сув (ИОС) қўшамиз. Жараён қуйидаги: $\text{ХОС:ИОС} = 10:0,2; 10:0,5; 10:1; 10:2; 10:5; 10:10$ нисбатларда амалга оширилди. Ишқорий оқава сув қўшилганда, қисқа вақтда яшил рангли чўкма ҳосил бўлди, бу эса $\text{Cr}(\text{OH})_3$ ҳосил бўлганлигини англатади, унинг концентрацияси дастлаб 48 г/л гача кўтарилди, сўнггра эса ишқорий муҳит ортиб бориши билан 46,5-47 г/л

гача пасайди, Cr^{6+} ионларининг концентрацияси эса 50 г/л дан 0,20-0,35 г/л гача пасайди. (расм 1).

Бунинг сабаби шуки, $\text{Cr}(\text{OH})_3$ амфотер хоссага эга бўлиб, кучли ишқорий шароитда қуйидаги реакция бўйича сувда эрийдиган хромитлар ҳосил қилиб, эрийди:



Шунинг учун гидросульфит, пиросульфит и тиосульфат натрий қўшилган чиқинди эритма муҳити рН ини юқорида кўрсатилган ораликда ушлаб туриш мақсадида унинг ишқорий оқава сув билан нисбатлари мос равишда қуйидагича бўлиши керак: 10:5; 10:2; ва 10:5 (1-расм). ХОС ва ИОС нинг 1:1 нисбатида қўлланилаётган қайтарувчилардан қатъий назар, барча 3 та фильтратнинг муҳити рН=11-12 атрофида бўлади.

2-расмда келтирилган эгритлардан кўриниб турибдики, натрий гидросульфит қўлланилганда муҳит рН и энг юқори даражага кўтарилади.

Шуни таъкидлаш кераки, у қуририлгач, хром (III) гидроксидга хос бўлган бир текис яшил рангли майда дисперс чўкмадан иборат бўлади.


3-расмда келтирилган графиклар тавсифи шуни кўрсатадики, қўшиладиган ИОС нинг миқдори ортиб бориши билан, ККС қиймати ҳам ошиб боради, бу табиий, сабаби ТашОПМЗ корхонаси ИОС да органик қўшимчаларнинг кўплигидир.

$\text{Cr}(\text{OH})_3$ чўкмаси миқдорининг қайтарувчи тури ва қўшиладиган ИОСнинг миқдорида боғлиқлиги шуни кўрсатдики, ИОС 50 мл қўшилганда, натрий тиосульфат энг яхши самара берди, энг паст самара эса натрий пиросульфитда кузатилди. Бунда ҳосил бўлган чўкма, назарий ҳисобланган миқдорга нисбатан кўпроқ бўлди, сабаби чўкаётган хром (III) гидроксид билан бирга эритмадаги баъзи бирикмалар ҳам чўкади. Концентрацияси 50 г/л Cr^{6+} ионлари бўлган чиқинди эритмани шу усулда қайта ишлашда, унинг жараён охиридаги концентрацияси 0,004-0,120 г/л ни ташкил этди.


Бошланғич концентрациясига нисбатан хром ионларини кўрсатилган даражагача қайтарилганда ҳам, қолдиқ концентрацияси миқдори уларни чиқиндига ташлашга йўл бермайди, лекин турли усулларда охириги босқичда тозалаш имконини яратади.

Изланишлар натижасида шуни нарсани аниқландики, қайтарувчи сифатида $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ қўлланилганда хром (IV) ионларининг концентрацияси 0,004 г/л гача камайди NaHSO_3 қўлланилганда эса, 0,120 г/л гача камайди, бу эса $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ ни реагент қайтарувчи сифатида нисбатан самарадор эканлигини кўрсатди. 1 ва 2-расмларда келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ХОС ва ИОС ларнинг мақбул нисбатлари 2:1 эканлиги, бунда хром (IV) ионларининг қолдиқ концентрацияси энг кам миқдорда бўлиб, $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ қўлланилганда эса энг яхши натижалар олинди.

Ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, бу усул оқаваларни хром ионларидан тозалашда анъанавий усулларга нисбатан қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:



1-расм. Cr⁶⁺ ионларининг концентрациясининг қўшиладиган ИОС миқдори ва қўлланиладиган қайтарувчи турига қараб ўзгариши




В_{иос} - 100 мл ХОСга қўшилган ИОС миқдори, мл

◆ NaHSO₃; ■ Na₂S₂O₅; ▲ Na₂S₂O

- охирги маҳсулотни ажратиб олишни енгиллаштириш учун ишқорий оқава сувлардан фойдаланиш;
- чўкмадаги хром бирикмаларини регенерация қилиш имкониятининг пайдо бўлиши;
- нейтраллаш реагенти сифатида технологик циклда охакли сувдан воз кечиш натижасида ҳосил бўладиган шламларни камайтириш.
- қимматбаҳо реагентларни қўллашдан воз кечиш ҳисобига оқава сувларни тозалаш таннархини камайтириш;

2-расм. Эритма муҳитининг (pH) қўшиладиган ИОС миқдори ва қайтарувчи турига боғлиқлиги

Амалда чиқинди эритмалардан металл бирикмаларини ажратиб олиш учун осон топиладиган, арзон шу билан бирга самарали қайтарувчилар қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун чиқинди хромат эритмаларни қайта ишлашда биринчи технологик вазифа олти валентли хром ионларининг асосий қисмини мақбул бўлган реагент ёрдамида кимёвий қайтариш йўли билан ажратиб олиш жараёни бўлиши керак.



В_{щсв} - кількість приливаної ЩСВ на 100 мл ХСС, мл
 ◆ NaHSO₃ ■ Na₂S₂O₅ ▲ Na₂S₂O₃

3-расм. ККС нинг қўшиладиган ИОС миқдори ва қайтарувчи турига боғлиқлиги

Чиқинди эритмалардаги хромат ионларини қайтариш учун биз ёғочни қайта ишлаш корхоналари чиқиндиси-ёғоч қипиғини таклиф қилдик, у ноорганик қайтарувчиларга қараганда нибатан арзон, осон топиладиган ва экологик безарардир.

Ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, олти валентли хром ионларининг қайтарилишига органик қайтарувчи бўлган ёғоч қипиғининг тури сезиларли даражада таъсир кўрсатмас экан. Хром (IV) ионларини органик қайтарувчи ёрдамида қайтарилиш жараёнининг оптимал шароитларини аниқлаш мақсадида турли параметрларнинг қайтарилиш даражасига таъсирини ўргандик. Тажрибалар “METFURSERSVIS” МЧЖ корхонаси хромлаш бўлимининг чиқинди эритмаси ва модель эритмаларда олиб борилди.

Қайтарилиш жараёни вақтини аниқлаш мақсадида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, хром (IV) ионларининг асосий қисми 1 соат мобайнида қайтарилади, вақтнинг янада узайтирилиши жараёнга деярли таъсир қилмайди.

Жараёнда хром (IV) ионларининг қайтарилаш даражасига унинг бошланғич концентрацияси таъсирини ўрганиш учун эритмадаги хром (IV)нинг турли бошланғич концентрацияларида қайтарилиш жараёни ўрганилди. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, хром (IV) ионларининг концентрацияси 50 г/л дан паст бўлган барча намуналарда жараён осон борди. Чиқинди эритмаларнинг концентрацияси юқори бўлганда уларни 50 г/л гача суюлтириб, жараён олиб борилганда хром (IV) ионларининг концентрацияси талаб даражасигача (100 мг/л дан паст) камайди. Бундай оқава сувлар бевосита охириги меёрий кимёвий ёки электрокимёвий тозалаш бўлимларига жўнатилиши мумкин.

Таркибида оғир металллар ионлари бўлган эритмаларни қайта ишлаш жараёнларида қайтарувчилар уларнинг таркибидаги ўта заҳарли бирикмаларни кам заҳарли ҳолатга ўтказишда асосий роль ўйнайди. Шунинг учун жараёни олиб боришда қайтарувчининг оптимал миқдорини аниқлаш, унинг самарали боришида катта роль ўйнайди.


Хром (IV) ионларини қайтариш жараёнида қайтарувчи миқдорининг таъсиини ўрганиш учун олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, ҳажми 200 мл, концентрацияси 50 г/л бўлган чиқинди эритмадаги хром (IV) ионларини қайтариш учун 10 г органик қайтарувчи етарли бўлар экан, бу эса $\text{OQ}:\text{Cr}^{6+}$ нисбат 1:1 га мос келади.

Жараёнга қўшиладиган H_2SO_4 нинг оптимал миқдорини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, хром (IV) ионларини қайтаришда компонентлар $\text{OQ} : \text{Cr}^{6+} : \text{H}_2\text{SO}_4$ нисбатлари (о.қ.) 1:1:1,6 га мос келар экан.

Қайтарилиш жараёни механизми тахлили натижалари бўйича, ёғоч қипиғининг қайтарувчи бўлиб хизмат қиладиган компоненти унинг полисахаридлардан иборат целлюлоза қисми ҳисобланар экан. Маълумки, ёғочда 40 % гача целлюлоза, 30 % гача лигнин бўлади, унинг кимёвий фаоллиги биринчи навбатда структурасида гидроксил гуруҳлар борлиги билан белгиланади. Кучли кислотали муҳитда кимёвий боғларнинг ўзгариб

кетиши ҳисобига целлюлозанинг функционал гуруҳлари модификацияга учраши мумкин, бундан ташқари целлюлоза бу муҳитда глюкозага парчаланadi ва яхши органик қайтарувчига айланади. Кучли кислотали муҳитда целлюлоза структурасида кам учрайдиган альдегид гуруҳлари сони кўпайиши натижасида унинг қайтарувчанлик хусусияти янада кучайиши мумкин.

Бунга мисол қилиб, лаборатория амалиётида Cr_2O_3 олиш учун $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ га 100°C да шакар таъсир эттириб олинадиган реакцияни мисол қилиш мумкин:



Хром (IV) ионларининг қайтариш жараёни химизмини ўрганиш учун турли чиқинди ва модель эритмаларда шакар иштирокида тажрибалар олиб борилди, олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Хром (IV) ионларининг шакар ёрдамида хром (III)гача сульфат кислота иштирокида ва сульфат кислотасиз қайтарилиш даражаси
(Vэр-ма=200 мл; шакар-10 г; $\tau=1$ соат)

№ т/р	Хромли эритма тури ва тажриба шароитлари	Хромнинг эритмадаги бошланғич конц-яси, мг/л			Хромнинг эритмадаги охириги конц-яси, мг/л		
		Cr^{6+}	$\text{Cr}_{\text{общ}}$	Cr^{3+}	Cr^{6+}	$\text{Cr}_{\text{общ}}$	Cr^{3+}
1	Ишлаб чиқариш эритмаси:						
	а) 15 г $\text{H}_2\text{SO}_{4\text{конц}}$ б) $\text{H}_2\text{SO}_{4\text{конц}}$ иштирокисиз қиздириш $t^0 = 100^\circ\text{C}$	46500 46500	50000 50000	3500 3500	144,0 44250	49810 49760	49666 5510
2	Калий бихромат эритмаси:						
	а) 15 г $\text{H}_2\text{SO}_{4\text{конц}}$ б) $\text{H}_2\text{SO}_{4\text{конц}}$ иштирокисиз қиздириш $t^0 = 100^\circ\text{C}$	50000 50000	50000 50000	0 0	132,0 47545	49640 49765	49508 2220
3	Хром ангидриди эритмаси:						
	а) 15 г $\text{H}_2\text{SO}_{4\text{конц}}$ б) $\text{H}_2\text{SO}_{4\text{конц}}$ иштирокисиз қиздириш $t^0 = 100^\circ\text{C}$	50000 50000	50000 50000	0 0	114,0 46875	49720 49805	49606 2930

Хром (IV) ионларининг шакар ёрдамида қайтарилиши сульфат кислотанинг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба натижалари шуни кўрсатдики, жараён сульфат кислотасиз оддий шароитда ҳам, қиздирилганда ҳам кетмас экан.


Қайтарилиш жараёни ёғоч кипиқларида шакарга нисбатан секинроқ кетади, бунинг сабаби ёғоч қипиғи таркибидаги қўшимчалар бўлиши

мумкин, кислота сарфининг нисбатан кўплиги, ёғоч таркибидаги целлюлоза макромолекулаларини бузишга сарфланиши билан тушунтирилади.

Кейинги изланишларимизда хром (IV) ионларининг электрокимёвий қайтарилиши устида иш олиб бордик. Хром (IV) ионларини электрокимёвий қайтариш жараёни маълум миқдорда глицерин иштирокида олиб борилганда ток бўйича чиқим нисбатан ортади (бизнинг тажрибаларимизда 7,1 % гача). Бу усул таркибида 100 мг/л дан кам металл ионлари бўлган оқава сувларни тозалашда самарали бўлиб, юқори концентрацияли чиқинди эритмаларни қайта ишлашга туғри келмайди, бундай жараёнлар учун кимёвий усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Хром (IV) ионларини реагент усулда қайтариш бўйича олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, жараён учун мақбул шароитлар: муҳит $pH=2-2,5$; компонентлар нисбатлари (оғирлик қисмида) $Cr^{6+} : OK : H_2SO_4 = 1:1:1,6$; ҳарорат $t=60^{\circ}C$, жараён давомийлиги 1 соатни ташкил этади.

Диссертациянинг **“Чиқинди хромат эритмалардан хром (III) оксидини ажратиб олиш технологиясини яратиш”** деб номланган учинчи бўлимида ўта заҳарли чиқинди хромат эритмаларни қайта ишлаш в улардан хром (III) оксидини ажратиб олиш технологиясини яратиш бўйича тажрибалар натижалари келтирилган. Чиқинди эритмани қайта ишлаш жараёнида темир ҳамда сульфат ионлари каби баъзи қўшимчалар охирги маҳсулотни ифлослантиради. Темир (III) ионларини чиқинди эритмадан ажратиб олиш шароитларини аниқлаш мақсадида темир (III) ва хром (III) ионларининг гидроксид ҳолда чўкиш муҳитларини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Бунинг учун 200 мл чиқинди эритма стаканга солиниб, муҳит pH и ўлчанган ҳолда оз-оздан 10% ли NaOH қўшиб бордик ва темир (III) ионларини гидроксид чўкмага тушишини кузатдик. Тажриба натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, $pH=7,5-8,0$ да темир (III) гидроксид ионларининг асосий қисми чўкмага тушди. Чўкмани филтрлаб олиб, $250-300^{\circ}C$ да 1 соат давомида қиздирганимизда у темир (III) оксид (гематит) га айланди:



Олинган маҳсулот майда дисперс структурага эга бўлиб, қизил пигмент сифатида лак-бўёқ материаллари олишда қўлланилиши мумкин.

Темир (III) ионларидан тозаланган чиқинди хромат эритмага органик қайтарувчи-ёғоч қипиғи қўшилади ва аралаштирган ҳолда маълум миқдорда оз-оздан концентрланган сульфат кислота ($d=1,84$) қўшилади. Қайтарилиш жараёни тугагач (1 соатдан сўнг), асосан Cr^{3+} ионларидан иборат бўлган аралашма органик қайтарувчи қолдиқларидан филтрлаб олинади. Сўнгра, эритмадаги сульфат ионларини боғлаб олиш учун уни $Ca(OH)_2$ билан қайта ишлаймиз. Бунда сарфланадиган $Ca(OH)_2$ нинг миқдори жараёнга қўшиладиган сульфат кислота миқдorigа боғлиқ бўлиб, уларнинг нисбати $H_2SO_4 : Ca(OH)_2 = 1: 0,8$ ни ташкил этади. SO_4^{2-} ионларидан ҳоли бўлган эритмага 10 % ли NaOH қўшилиб, муҳит $pH=9,0$ га келтирилади, бунда $Cr(OH)_3$ ионлари майда дисперс кристалл ҳолда чўкмага тушади. Филтрлаб


олинган яшил рангли чўкмани 120°C да 1 соат давомида қуришиб, 1000°C да 1 соат давомида куйдирамиз, куйдириш жараёнида $\text{Cr}(\text{OH})_3$ боғланган сувни йўқотиб, Cr_2O_3 га айланади:



Олинган маҳсулотни намуна Cr_2O_3 билан таққослаш учун замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида: ИҚ-спектр, рентгенфазовий, фотоколориметрик ва кимёвий таҳлиллардан фойдаланилди.

Реактив ва чиқиндидан олинган Cr_2O_3 намуналари ИҚ-спектрда 4000-400 cm^{-1} тебранишлар частотасидаги таҳлили олинган спектрда $\text{Cr}-\text{O}$ боғлари борлигини кўрсатди ва намунанинг Cr_2O_3 га мос келишини тасдиқлади (4-расм).

Яратилган технология бўйича чиқиндидан олинган маҳсулотнинг рентгенограммаси келтирилган бўлиб, унда ҳосил бўлган чўққилар Cr_2O_3 фазаси борлигини кўрсатди ва ИҚ-спектрда олинган маълумотларни тасдиқлади (5-расм).




5-расм. Реактив хром (III) оксиди (1) ва чиқинди хромат эритмалардан ажратиб олинган хром (III) оксиди (2) нинг ИҚ-спектрлари

Чиқиндидан ажратиб олинган Cr_2O_3 нинг асосий тавсифлари ГОСТ 2912-79 “Хром оксиди пигменти” бўйича таҳлил қилинди ва барча кўрсаткичлар ректив хром пигментига мос келишини кўрсатди.

Изланишлар натижалари асосида биринчи марта чиқинди хромат эритмалардаги хром (VI) ионларини қайтариб, хром (III) оксидини ажратиб олишнинг принципиаль технологик схемаси яратилди (6-расм).


Чиқинди хромат эритмаларни (концентрацияси 50 г/л) қайта ишлаш учун идиш (1)дан чиқинди эритма сарф ўлчагич орқали реактор (5)га юкланади. Бу чиқинди эритма кислотали мухитга эга бўлиб, $\text{pH}=2-3$ ни ташкил этади, темир ионлари эса $\text{pH}=7,5-8,0$ да гидроксид ҳолда чўкмага тушади. Чиқинди эритмани нейтраллаш учун идиш (2) дан реактор (5) га



6-расм. Чиқинди хромат эритмалардан ажратиб олинган хром (III) оксиди (2) нинг рентгенограммаси

сарф ўлчагич орқали 10 % ли NaOH берилади. Реактор (5) даги компонентлар аралаштирилади, бунда $\text{Fe}(\text{OH})_3$ ионлари майда дисперс ҳолда чўкмага тушади. Бу аралашма 0,025 мм тирқишга эга бўлган фильтр материалли нутч-фильтрга (6) узатилади. Ажратиб олинган чўкма алоҳида идишга (7) ўтказилади, уни $250-300^\circ\text{C}$ да қиздириб, темир пигменти (гематит) олинади. Темир ионларидан тозаланган аралашма насос (8) ёрдамида хром (VI) ионларини қайтариш учун реактор (14) га берилади, сўнг дозатор (12) орқали идиш (10) дан органик қайтарувчи қўшилади, компонентлар аралаштирилади ва сарф ўлчагич (13) орқали идиш (11) дан озондан сульфат кислота қўшилади. Экзотермик реакция натижасида реактор (14) да ҳарорат 60°C гача кўтарилади ва аралашма аста-секин яшил рангга ўтади, бу эса хром (VI) ионларининг қайтарилиб, хром (III) га ўтганлигини

